

ТО'QQASH OQQASH OMMI

2007 йил, 24 сентябрь, Душанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА


- Корақалпоғистон Республикасининг пахтакор хўжаликлариди йигим-терим суръати кун сайин ортмоқда. Қабул пунктларига топширилаётган «оқ олтин» микдори кундан кунга кўпайиб бормоқда. Мавжуд олтита пахта тазалаш корхоналарида эса йиғиштирилаётган ҳосил қайта ишланмоқда.
- Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят Кенгашининг ўқув марказида «Ўзбекистон меҳнат кодекси талаблари, бошқа меъёрий ҳужжатлар, Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши борасидаги ҳамкорлик» мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди.
- Тошкент шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши томонидан ўтказилган тадбир «Диний ақидапарастликнинг иллатлари ва унинг ислом динига зидлиги тўғрисида» деб номланди. Унда Чилонзор туманидаги маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари, талаба ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этишди.
- Наманганда истиқомат қилаётган бир гуруҳ иккинчи жаҳон уруши фахрийлари замонавий тиббий ташхис қўйиш ускуналари билан жиҳозланган «Сайдана» тиббиёт марказида бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. «Сайдана»нинг тажрибали мутахассислари илгор тиббиёт технологияси ёрдамида уларга аниқ ташхис қўйиб, даволанишнинг қулай йўллари ҳақида маслаҳат бердилар.
- Қарши шаҳридаги гўзал ва замонавий бинолар қаторига яна бир кўркам иморат қўшилди. Шаҳарда «Ёшлар маркази» қад ростлади.
- Пойтахтимиздаги «Ренессанс» санъат галереясида Самарқанд шахрининг 2750 йиллик тўйига бағишланган «Буюк шаҳар ҳақидаги достонлар» мавзусида бадиий кўргазма очилди. Кўргазмада мамлакатимиз мўйқалам соҳибларининг қадимий ва ҳамиша навакирон шаҳарга бағишланган асарлари намойиш этилмоқда.
- Фарғона шаҳридаги «Саховат уйи»да ўтказилган тадбирда 20 нафар болага ногиронлар аравачаси топширилди. Шунингдек, вилоят «Маҳалла» жамғармаси уюштирган тадбирда эса ногирон бўлиб қолган отахон ва онахонларга ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари ва ортопедия ускуналари берилди.
- Шовот туманидаги «Дилшод-Хитой-ғишт» корхонасида сифатли ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хитойдан келтирилган замонавий линиялар асосида меҳнат қилаётган 60 нафар маҳаллий ёшлар меҳнат билан бир ёрда кунига 30-40 минг дона ҳам ва 20 минг дона пишган ғишт тайёрланмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кун
Янгиликлар, воқеалар

Қисқа
сатрларда

- **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театри ижодкорлари томошабинларга янги постановкани тақдим этиш арафасида туришибди. Яқин кунлар ичида Зулхумор Солиева қаламига мансуб «Бир бевага беш ошиқ» спектакли намойиш этилади. Ушбу асарни Мунаввара Абдуллаева сахналаштирмоқда.
- **ЎТГАН** куни «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси худудидаги таълим муассасаларида «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчилигида сайловлар бўлиб ўтди.
- **ЎТГАН** куни Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Мирзо Улугбек туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази, халқ таълими, «Камолот» ЁИХ туман бўлимлари, туман ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорликларида Ижтимоий ҳимоя йилга бағишлаб ўтказилган тадбир «Меҳрингга тасанно, Меҳржон» деб номланди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.
- **КОРЕЙС** миллий маданият маркази ташаббуси билан Ижтимоий ҳимоя йилга бағишлаб ўтказилган тадбирда ушбу марказ бунёдкорлар томонидан бунёд этилган янги бинода фаолият бошлаганига маълум қилинди.
- **ЎЗБЕК** — япон марказида ёш тадбиркорлар учун навбатдаги менежмент ўқув курслари бошланди.
- **УЧТЕПА** туманидаги 8-оилавий поликлиникага Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан замонавий технологиялар ва тиббий жиҳозлар келтирилди.
- **ШАХРИМИЗДА** иқтидорли ёш меъморлар ўртасида уюштирилган «Ўзбекистоннинг энг яхши меъморий лойиҳалари» кўриктанлови ғолиблари тақдирланди.
- **РЕСПУБЛИКА** Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказида халқ таълими ходимлари иштирокида ўтказилган тадбир аяқлашиб келаётган 1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).




Иқтисодиёт

КОРХОНА ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА БАРЧА ЗАРУР ИМКОНИЯТЛАРНИ САФАРБАР ЭТИБ ЎЗ НУФУЗИНИ, МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ САҚЛАГАН ҲОЛДА МАҲСУЛОТНИНГ ХАРИДОРГИР ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙГАН КОРХОНАЛАРДАН БИРИ БЎЛГАН «SUVMASH» АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИДА МАРКЕТИНГ ИЗЛАШЛАРНИ ЯХШИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН ВА ЭРИШИЛАЁТГАН МУВАФАҚИЯТЛАРДА ЯҚҚОЛ АКС ЭТМОҚДА.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, корхонада йилдан йилга талаб тобора ортиб бораётган халқ хўжалиги учун зарур маҳсулотлар тайёрланади. Ҳозирги пайтда корхонада 35 турдан ортиқ истиқболли импорт ўрнини босувчи насослар ҳамда ЭЦВ, К, Д, А50ГО, А40ГЦ, А30ГЦ, Гру типидagi агрегатларни ишлаб чиқаришмоқда, бундай товарлар илгарилари мамлакатимизга хорижий давлатлардан келтирилган эди.

Корхона маҳсулотларининг асосий буюртмачиларидан бири республика Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бўлиб, шунингдек турли ташкилот ва муассасалар, компания ва фирмалар, деҳқон ҳамда фермер хўжалиқларининг буюртмалари ҳам тез ва соз баҳариларида Корхона муҳандис ва конструкторлари доимий равишда янги турдаги насос ва электр насос агрегатлари яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш устида иш олиб бораётгани ҳам ўз самарасини бериб, тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорини топмоқда.



Экспортга мўлжалланган корхона маҳсулотларига қўшни республикалар ҳамда Марказий Осиёнинг кўптега давлатларида ҳам талаб катта. Маркетинг излашларининг ички ва ташқи бозорни ўрганишдаги натижалари маҳсулот турларининг ва харидорининг ортисида муҳим аҳамият касб этмоқда. Харидор талаби доимий равишда ўрганилиб, таҳлил этиб борилади ва уларга ўз вақтида янги маҳсулот турлари ҳақида маълумотлар етказилади. Корхонада ISO 9001:2000 халқаро стандарт сифатига мос келувчи менежмент тизими фаолияти йўлга қўйилган.

Тадбиркорларнинг мамлакатимиздаги ва бошқа давлатлардаги халқаро ярмарка ва кўргазмалардаги фаол иштироки яхши самара бериб, ютуқлари эътироф этилмоқда. Илгор технологиялар, энг яхши экспозиция ва дизайн учун қатор дипломларни қўлга киритганини таъкидлаш лозим. Шунингдек, 1999 йилда Швейцариянинг Женева шаҳрида бўлиб ўтган XXIV Халқаро конвенцияда сифат учун Халқаро олтин юлдузи, 2001 йилда Франция пойтахти Парижда ўтказилган XVIII WQC Халқаро конвенциясида эса сифат учун Халқаро Платина юлдузи мукофотларини қўлга киритишган.

Ҳозирги пайтда корхона контрол пакети акциялари эгаси бўлган Россиянинг «Энергомашкорпорация» акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда иш юритмоқда. Ушбу йирик компания таркибига дунёда машҳур саналган «Уралгидромаш», «Уралэлектротражмаш», «ЭМК-Атоммаш»,

ЖАҲОНДА

- **Покистон** пойтахтида жойлашган Халқаро ислом университетига «Тошкент — ислом маданияти пойтахти» мавзусига бағишланган икки кунлик илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.
- **Деҳлида** истеъдодли ёш ҳинд рассоми Муҳаммад Оқилнинг Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги маданий алоқалар мавзусига бағишланган асарларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада намойиш этилган ранг-баранг асарлар тасвирий санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда.
- **АҚШ** Мудофаа кучлари таркибида Кибер қўмондонлик ташкил этилди. Қарбий ҳаво кучлари таркибига бириктирилган бу қўмондонлик Кибер оламида кечаётган урушга қарши ҳаракат олиб боради. Яқинда хитойлик ҳақерларнинг Пентагонга ҳужум уюштириши бундай қўмондонликни ташкил этишга туртки бўлди.
- **Сингапур** авиакомпанияси янги А-380 авиалайнерининг илк парвози чипталарини аукционга сотувга чиқарди. Икки қаватли улкан ҳаво кемаси шу йилнинг 25 октябрида Сингапурдан Сиднейга парвоз этади.
- **Литва** ҳукумати мамлакат қарбий денгиз кучларини модернизация қилиш учун 120 миллион лит (49 миллион АҚШ доллари) ажратди. «ИТАР-ТАСС» хабарида айтилишича, бу маблағга илгари ишлатилган бешта кема сотиб олинади. Улар қайси мамлакатдан харид қилиниши ҳозирча номълум.
- **Эстония** ҳукумати «Nord Stream» компаниясига ўзининг денгиз худудларида тадқиқот олиб боришига рұхсат бермади. «РИА Новости» хабарига кўра, расмий Таллин давлат суверенитети ва иқтисодий манфаатларни қўзғаб шундай қарорга келган.
- **Перунинг** тоғли кишлоқларидан бўлган Каранкас яқинида 15 сентябрь куни метеороид тушган эди. Орадан бир неча кун ўтгач 500 оила истиқомат қилувчи кишлоқ аҳлининг барчаси номълум дардга чалинган. «France Presse» хабарига айтилишича, қандайдир ёқимсиз ҳид бунга сабаб бўлган. Кишлоқ аҳлидан хабар олишга борган етти нафар полициячи ҳам оғир аҳволда касалхонага ётқизилган.
- **Умумжаҳон** табиатни муҳофаза қилиш жамияти берган маълумотга кўра, 2007 йилда «Қизил китобга» 41415 тур ҳайвонот ва наботот номи киритилган. Шулардан 70 фойз ўсимликлар, 8/1 қисмдаги қушлар ва сут эмизувчиларнинг чорак қисми йўқолиб кетиш хавфи остида экан.

«ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА МУНОСИБ ЎРИНГА ЭГА»

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОННИНГ МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИНИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, ТАҲЛИЛИЙ ВА ДИПЛОМАТИЯ ДОИРАЛАРИ ШАРҲЛАШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Бир қатор мамлакатларда Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари томонидан мазкур маърузанинг тақдиротлари ўтказилди. Республикаимизнинг дипломатия миссияларига хорижий экспертлар ва сибсатшунослар ўзларининг шу хусусдаги фикр-мулоҳазаларини йўллашмоқда.

Жумладан, Президент Ислам Каримов маърузаси тақдироти мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонасида ҳам бўлиб ўтди. Унда ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралар, Парижда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси ҳамда Франция оммавий аxbорот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётни, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, мамлакат фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича кенг қўламли демократик ўзгаришларни рўйга чиқариш босқичларини ифода этувчи Ўзбекистон давлати раҳбари маърузасининг мазмун-моҳияти хусусида тақдирот катнашчиларига атрофлича маълумот берилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ушбу маърузаси матни франсуз тилида рисола ҳолида меҳмонларга тақдим этилди. Французлик қатор экспертлар унга ўз баҳоларини бердилар.

Парижининг «INALCO» институти профессори Бруно Дрвески, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади:

«16 йил минг йиллик давлатчилик тарихига эга бўлган мамлакат учун қисқа давр ҳисоблана-да, бу вақт давомида Ўзбекистонда мамлакатнинг бир неча ўн йиллик ривожланишини белгилаб берадиган улкан ўзгаришлар рўй берди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БЮДЖЕТ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ҚЎМИТАСИНING «АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА АКЦИЈАДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИНГ «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТИЗИМИДАГИ КОРХОНАЛАРДАГИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Мазкур қўмида раиси А.Аҳадов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, компания ва банклар ҳамда корхоналарнинг раҳбарлари, мутахассислар, оммавий аxbорот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Таъкидланганидек, номи зикр этилган қонунни бажариш бўйича компания тизимида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, унга қаралии корхоналарда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқаруви янада такомиллаштириш, молиявий барқарорликни ҳамда акциядорларнинг жамиятни бошқаришдаги фаол иштирокини таъминлаш юзасидан бир қатор ижобий ишлар олиб бориляпти. Таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда,

ҚУЧНИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ВА СУД-ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТГАН КОНФЕРЕНЦИЯ «ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИ: АМАЛИЁТ ВА САМАРА» МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девоининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида миллий таракқиётимизнинг иккинчи босқичини мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш даври сифатида таърифлаб, «ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив заҳурат бўлган қучли давлатдан

молиявий соғломлаштириш мустақамланмоқда, инвестициялар жалб қилиниб, қўшимча иш ўринлари яратилмоқда.

Мажлисида тизимда қонун ижросини таъминлашда йўл қўйилган айрим хато ва камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, компания ва унинг тизимидаги акциядорлик жамиятлари бошқарув органлари фаолиятини қонун талаблари асосида юриштишга масъулиятсизлик билан ёндашилгани ҳамда акциядорлик жамиятларида тегишли тартибда ички ҳужжатлар ишлаб чиқилгани таъкидлаб ўтилди. Оқибатда 2006 йили тизимдаги айрим акциядорлик жамиятларида ҳисобланган дивидендлар ўз вақтида тўланмаган.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Т. БОТИРБЕКОВ
ЎЗА мухбири

ШАРИФА ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: корхона тоқари

Ҳасан Маждолик ўз ишининг устаси; **Икром Солихов** ва **Владимир Жиленко** цех илгорларидан саналади; цехлардаги меҳнат жараёни.

Азамат Аҳмадов олган суратлар

(Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Конференцияда қайд этилганидек, мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилишга оид вазифаларни амалга ошириш жараёнида давлат бошқаруви соҳаси ва суд-хуқуқ тизимидаги ислохотларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда икки палатали парламент ташкил топиши билан қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифатли ва асосли бўлишига эришиш, ўзаро муносабилар ва мувозанатни сақлашнинг самарали тизимини яратиш, умумдавлат ва ҳудудлар манфаатлари иноватга олинишини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги иштироки кўламини кенгайтириш учун реал имкониятлар юзга келди. Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги ваколатлар янада мувофиқлашувини таъмин этиш мақсадида Президент вазифаларининг бир қисми Сенатга ўтказилди, мамлакат Бош вазирининг ҳуқуқ ва ваколатлари кучайтирилди. "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши демократик ислохотларни чуқурлаштиришда асосий ва ҳал этувчи роль ўйнади, парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги муҳолифат мақоми, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари этиб сайланиши қонуний тарзда белгила берилди.

Давлат бошқарувини ислох этишни чуқурлаштириш жараёнида марказий органларнинг бир қатор ваколат ва вазифалари, энг аввало, иқтисодий ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ҳамда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ваколатлари маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилмоқда.

Конференция иштирокчилари мамлакатимизда ўтган давр мобайнида суд-хуқуқ тизимини чуқур ислох этиш ва эркинлаштиришнинг янги концепцияси амалга оширилганини, судларнинг ихтисослашуви асосида фуқаролик ишлари бўйича ва жиноят ишлари бўйича алоҳида алоҳида судлар ташкил қилинганлигини, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан халос этилганлигини, жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилганлигини, 2008 йил 1 январдан эътиборан фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилишини ва мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинишини таъкидлаб ўтдилар, ўлим жазоси умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилажаги ҳам айтилди.

Анжуман қатнашчилари масалани кенг кўламада муҳокама этар эканлар, давлат бошқаруви ва суд-хуқуқ тизимини чуқур ислох этиш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига изчиллик билан, босқима-босқич ўтишининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш зарурлигига алоҳида урғу бердилар. Улар ўз нутқларида мамлакатимизнинг ривожлантиришнинг янги босқичида давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш вазифаларини ҳал этиш юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдилар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар билдирдилар.

Конференция ишида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг ўқитувчилари ва тингловчилари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалий ҳуқуқ ҳужжатлари мониторинги институти ва олий ўқув юрталари олимлари ҳамда мутахассислари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(Ўза)

(Давоми. Боши 1-бетда).

Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистон бутун минтақа учун муҳим геостратегик аҳамиятга эга мамлакатдир. Ўзининг мураккаб таракқиёт моделини изчил амалга ошираётгани туфайли мамлакат аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти И.Каримов маърузасида ифода этилганидек, мамлакат эришган ютуқлар ўтиш даври қийинчиликларини муваффақиятли енгишга имкон берган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ҳар томонлама ва пухта ўйланган ислохотларнинг натижаларидир. Республика раҳбариятининг оқилона ва чуқур ўйланган сиёсати халқроқ майдонда мамлакатнинг рақобатдорлик кўрсаткичларини ҳамда халқ фаровонлигини янада ошириш учун зарур институционал ва иқтисодий шарт-шароитларни яратишга имкон бермоқда.

«Blog de l'Atlas Alternatif» наشريни журналисти Фред Делорка мамлакатимизнинг ўтган ўн олти йиллик мустақиллик даври атрофида ўз ифодасини топган Ўзбекистон Президентининг маърузасини катта қизиқиш билан ўқиб чиққанини қайд этди: «Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик таъминланди, демократик таракқиётнинг зарурий институционал-ҳуқуқий асослари яратилди, иқтисодий ислохотлар муваффақиятли олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатнинг изчил таракқиёт йўлини республика раҳбарияти тўғри танлаб олганидан далолат беради.

Ўзбекистон ўз халқининг миллий урф-одатлари ва менталитетини ҳисобга олишган ҳолда барча соҳаларда изчил ислохотларни амалга оширишни ва аниқ мақсадга йўналтирилган ёндашуви талаб этадиган улкан табиий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга. Шу маънода республика ҳукуматининг ўтиш босқичида муҳим аҳамият касб этадиган жиҳатга — аҳолининг қам таъминланган ижтимоий қатламларини ҳимоя қилишга қаратилган саясий-ҳаракатлари айниқса юксак баҳога лойиқдир.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий таракқиёти кўрсаткичлари республика янада демократик ривожлантириш ва унинг халқроқ ҳамжамиятга муваффақиятли интеграциялашуви учун Ўзбекистон

«ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА МУНОСИБ ЎРИНГА ЭГА»

кистонда мустахкам пойдевор қўйилганидан далолат беради».

«Коммуникациялар ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича Франция жамияти» ходимаси Кристина Ансарге қўйилган таъкидлади: «Мен Ўзбекистонга сафар қилиш имкониятига эга бўлганман ва мамлакат ютуқлари тўғрисида эшитган гапларимга эмас, балки кўрганларимга асосланган ҳолда фикр билдиришим мумкин.

Ўзбекистон қадимий маданият ва анъаналар билан бир қаторда улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга. Республика мустақиллик туфайли ўз таракқиёт йўлига қадам қўйди ва бугунги кунга келиб жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринини эгаллаб турибди. Мамлакат ҳукуматининг устувор жиҳатлари оқилона белгилаб олиши ва изчил саясий-ҳаракатлари туфайли иқтисодий ўсиш ҳамда аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши таъминланмоқда.

Мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган қабул маросимида ҳам Президент И.Каримовнинг ушбу маърузаси немис тилида, алоҳида рисола шаклида тадбир иштирокчилари ўртасида тарқатилди. Давлатимиз раҳбарининг маърузаси юзасидан мазкур тадбир давомида билдирилган ҳамда мамлакатимизнинг Берлиндаги дипломатия ваколатхонасига йўлланган мактубларда ахт эгтан фикр-мулоҳазалар ҳам эътиборга сазовордир.

«Европа-Берлин» жамияти раиси В.Фурман фикрича, «Ўзбекистон тўғри йўлдан кетмоқда. Тарих нуктаи назарида баҳо берилганда, ўтган қисқа давр ичида республиканинг ўзи танланган таракқиёт йўлида эришган ютуқлари таслиқ. Президент маърузаси нафақат мустақиллик йилларида амалга оширилган ишларни қамраб олади, балки масалани аниқ ва чуқур идрок билан тасвирлаб берган яқин истиқболдаги лойиҳаларни, мақсад ва қарашларни ўзида ифода этади».

Мюнстер шаҳар университети

ҳузуридаги германиялик институти директори Томас Томасек мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасига йўллаган ўз мактубида жумладан, шундай ёзди: «Бундан ўн олти йил муқаддам ўз миллий мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистон қадимий маданияти билан ёш республика сифатида бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мустақилликнинг 16 йиллиги муносабати билан тақдим этган маърузаси сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва илмий-маърифий соҳалардаги масалаларнинг кенг доирасини қамраб олган. Мен олим ҳамда олий ўқув юртининг ўқитувчиси сифатида таълим ва миллий кадрлар тайёрлаш мавзусига алоҳида эътибор қаратадман. Шу маънода Ўзбекистон раҳбариятининг «замонавий демократик давлат қуришда мамлакат ёш авлодининг таълим даражасини такомиллаштириш хал қилувчи ўрин эгаллайди» деган фикрини тўла маъқуллайдман».

Юртбошимиз маърузаси тақдимида бағишлаб Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонасида ўтказилган тадбир иштирокчилари - Бельгиядаги «Way Press» агентлиги халқроқ муносабатлар хизмати раҳбари Ксавье Фриннинг фикр билдиришича, мустақил ривожланиш йиллари давомида Ўзбекистон эришган муваффақиятлар мамлакатни демократлаштириш ва уни иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш юзасидан ҳукумат томонидан оқилона сиёсат олиб борилаётганини аққол намойиш этади.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов маърузасининг мазмуни республика 16 йил мобайнида эришган юксак кўрсаткичлардан далолат бериши баробарида ўзбек давлатининг янада гуллаб-яшнаши қафолати бўлган салмоқли салоҳиятини ҳам намойиш этади, — дейди бельгиялик эксперт.

«Жаҳон» АА.

Жойларда илм-фаннинг ютуқларини кенг жорий этиш мақсадида умумий амалиёт шифокорлари малака ва маҳоратини оширишга йўналтирилган кўплаб семинар-мулоқотлар ва анжуманлар ташкил этилмоқда. Этакчи олим ва мутахассисларимиздан таркиб топган сайёр гуруҳлар мунтазам равишда жойларга чиқиб, ўз тажрибасини бирламчи тиббиёт мутахассислари ва туманлардаги тиббиёт масканлари мутахассисларига ўргатмоқда.

Анжуманда ички касалликлар диагностикаси, профилактикаси, даволаш ва тиббий реабилитациянинг долзарб масалаларига бағишланган оқидан эътиборан маъруза тингланди. Касалликларга ташхис қўйиш борасидаги янги ёндашувлар, янги препаратлар ва уларни қўллаш усуллари, илм-фаннинг ушбу йўналишида амалга оширилади лозим бўлган долзарб вазифалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Анжуман доирасида терапия ва тиббий реабилитация соҳасида қўлланилаётган янги дори-дармонлар кўргазмаси намойиш этилди, ички касалликларни ташхислаш, даволаш ва тиббий реабилитация масалаларига оид янги илмий тўплам тақдимоти бўлиб ўтди.

Баҳор ХИДИРОВА, Ўза муҳбири

2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили

ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАН

ПОЙТАХТИМИЗДА ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ТАШХИСЛАШ, ДАВОЛАШ ВА ТИББИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРДА МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИМЛАРИ, ШИФОКОРЛАРИ ВА ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА РОССИЯ, УКРАИНА, ГРУЗИЯ, ҚОЗОҒИСТОН ВА ҚИРҒИЗСТОНДАН КЕЛГАН МУТАХАССИСЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ҳожибоев Президентининг Исролом Каримов ташаббуси билан жамиятимизнинг турли жаба-ҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида тиббиёт тизимини тубдан такомиллаштириш, шифо масканларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш, соҳада профилактика, диагностика ва даволашнинг илгор технологияларидан оқилона фойдаланишга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг қуни кеча матбуотда эълон қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиши

янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишларига оид фармони тиббиёт соҳасидаги ислохотларни изчил давом эттириш борасида яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич ҳаётга таъбиқ этилиши юртимиздаги ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари сонини кўпайтириш имконини беради. Мутахассислар малака ва маҳоратини янада ошириш, тиббий муассасалар моддий-техника базасини мустахкамлаш, илмий изланишга қўламин кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Нишондорларимиз

САМАРАЛИ ИЖОД МАҲСУЛИ

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ҚУТЛУҒ БАЙРАМИ АРАФАСИДА ХАЛҚИМИЗ МАДАНИЯТИ ВА МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ИШИГА ҚЎШГАН САЛМОҚЛИ ҲИССАСИ, БЕТАКРОР ИСТЕЪДОДИ, СЕРҚИРРА ИЖОДИ ВА ЭЛ-ЮРТ ОРАСИДАГИ САМАРАЛИ ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТЛАРИ ТУФАЙЛИ БИР ҚАНЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗ ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИЛАР.

долнинг олий ва буюк неъмат эканлигини айни дамлардан юракдан ҳис қилмоқдам. Менга билдирилган юксак ишонч ва гамхўрликка жавобан келгусида бор билим ва тажрибамни, иқтидор ва истеъдодимни ишга солиб, ўз фаолиятимга янада масъулият ва меҳр билан ёндашишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Дарҳақиқат, Фарход Алимов ҳозирги замон ўзбек мусиқа санъатининг забардаст вакиллари билан бирдир. У ёрқин ижодий фаолияти билан 80-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига кириб келди. Унинг ранг-баранг, жўшқин ва жозибали кўшиқлари, романслари, опера, мусикали драма ва комедиялари, симфоник, вокал-симфоник ва хор асарлари, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун ёзган асарлари, мусиқа шинавандалари қал-

бидан муносиб жой олиб, замонавий миллий мусиқа санъатининг таракқиётига ижодий ва илмий изланишлари билан салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Асли тошкентлик бўлган Фарход Алимов, Глиэр номидаги республика маҳсус мусиқа мактабидан таҳсил олганидан сўнг, Ўзбекистон давлат консерваториясининг /илгариги Тошкент давлат консерваторияси/ ўзбек халқ чолғулари факультетида имтиҳонси қабул қилинди. 1970 йил консерваторияни муваффақиятли тугаллаганидан кейин Ўзбекистон радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрига созанда бўлиб ишга кирди. Бастакорлик малакасига эга бўлиш учун эса 1972 йили консерваториянинг тайёрлов курсларида, сўнгра асосий босқичда Б.Гиеенкода таълим олди. 1975 йилдан бошлаб А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида катта ўқитувчи, 1993 йилдан доцент лавозимларида ишлади. 1995 йилдан то бугунги кунгача консерваторияда ёшларга мусиқа сирларини мукамал ўргатиб, сабоқ бериб келмоқда.

Фарход ака, мусиқа санъатининг даярли барча жанрларида самарали ижод қилмоқда. Унинг симфоник асарларга, Навоий ва Бобур рубоийларига ёзган туркум асарлари мазмундорлиги, миллий руҳи, таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Шунингдек бастакор бир қанча видеофильмларга ҳам мусиқа яратди. У замонавий қўшиқчилик санъатига ҳам катта эътибор бериб келмоқда. Асосан ўзбек халқ чолғулари оркестри ва эстрада хонандалари репертуарини бойитиш мақсадида ҳозирги кунга қадар 100 дан ортиқ мавзуларда қўшиқлар яратди. «Сен менинг ватаниман», «Бухорога қайтинг, лайлақлар», «Муборак бўлсин», «Ўзбекистоним сенга» каби қўшиқлар шулар жумласига кирди.

Сўзимизнинг мухтасарида мусиқа санъатининг жонқури изланувчан бастакор Фарход Алимовни юксак мукофот билан чин кўнгилдан табриклаб, ижодий ишларига парвоз ва омадлар тилаб қоламиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Фарход Алимов.

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● БМТнинг «Халқроқ ёшлар муаммоси» ахборотномасида ҳозирги дунё ёшлари инсият тарихидаги энг билимли авлод деб тан пинганлиги айтилади. Ушбу ташкилот экспертларининг ҳулосасига кўра, кейинги ўн йилда мактабга қатновчи болалар сони 56 фовдан 78 фовизга ошган. Олий ўқув юрталари талазалари 69 миллиондан 88 миллионга кўпайга. Бу ўзгаришларнинг аксарият қисми ривожлаётган мамлакатларга тўғри келади. Шу билан биргаллик дунё бўйича ёшлар ўртасида ишсизлик 14,4 фовизга кўтарилди. Ҳозирда ёшларнинг 18 фовизи ёки 209 миллион нафари камбағалликда кун кечирмоқда. Бу кўрсаткичлар Жанубийсиё ва Африка мамлакатлари ҳудудларида юзрилигича қолмоқда.

● Даниялик олимлар нусха кўчирувчи ва кўп нусхада босувчи машиналарни текширудан ўтказишди. Уларнинг фикрича, қурилма би йил ишлагандан сўнг, ўзидан азон газини шила қара бошларкан. Бу эса ўз навбатида қанларга, айниқса операторга ёмон таъсир қилиб, димоғини қичитади, бош оғриғини келтири чикаради, кўнгил айнатади, ўпка касалликлрига мойилликни кучайтирар экан. Шунинг учу шифокорлар бу қурилмаларни йўлақларга, атта хоналарга ўрнатилан ва хонани тез-тез шиолатиб туришни тавсия этмоқдалар.

● Украина радиофизика ва электроник институтида «Радиокўз» яратилди. Ўзининг ўқирлиги билан энди у Шимол йўлларида ҳарқандай навбатчининг ўрнини бажариши мумки. Ер сатҳининг тузилишини масофадан ўрганган радиолокацион қурилманинг саноят чун мўлжалланган янги нусхаси ернинг «Қочос-1766» сунъий йўлдошига ўрнатилади. «Радиокўз» қоронғуда ҳам қалин булутлар олаб кутб кечасини кўра олади. Радиотўқилни ер сатҳидан бир хил бўлиб қайтмайди. Сигналарнинг тезкор оқимидан қуруқлик ҳамда снни, ҳар хил қалинликдаги музликларни, ёриқлини, тепаликларни, муздаги каналларни аниқ игаш мумкин. Янги локатор биринчи синовдаёқАнтрактида музликларда йўқилиб қолган дельэлектроходни қутқаришда катта ёрдам бўиб, ўзини оқлади.

● Свазилендда ажойиб анъана хануз саланиб келмоқда. Бу одат фақат мамлакат иролига тааллуқли бўлиб, қирол ҳар йили кайда битта шерни яккама-якка олишувда енгиц ва ўлдирши керак. Шу билан у ўз кучи ва ирдлигини, қисқаси қиролга хос фазилатларини намойиш этади.

● Ҳозирги кунда 20 миллиондан ортик, мерикаликлар ичи сув тўлдирилган маҳсус тўқларда ухлашади. Бундай усул бир неча йилар муқаддам Америкада, тўғрисида Калифорнияда пайдо бўлганди. Шифокорларнинг таъдилашларича, турли бел оғриқлардан азоб қаётганларга худди шундай усул фойда бераган.

● «Кайф» деган сўзининг бизга грек тилдан келганлигини биласизми? «Кефи» грек тилда яхши кайфият, ҳузур-ҳаловат маъносини брани. Демак, ҳозирги «кайф қилмоқ» сўзалари гзур қилиш дегани экан. Бироқ социал тадқиқлар амалий маркази ўтказган сўраб-билишинг эълон қилган натижалари Греция аҳолисининг аксарияти ўз ишидан «кефи» ёки «кайф»илмаётганидан далолат бермоқда. Фикри сўзланларнинг қарийб 60 фовизи ўзининг ҳозри ишларини имкони бўлса, бахонидан ўзгартиришини таъкидлади. 15 фовизи эса ўзи бажаетган ишга тоқати йўқлигини айтди. Бунда власкасиз ходимлар ўз машғулотларини қамроқдлашлари ва малака билан хизмат мавқеюшган сари инсон ўз ишидан кўпроқ завқлаши маълум бўлди. Шуниси қизиқарлики, грек ўз ишларини қадрлайдиган асосий жиҳат ишдаки эмас экан. Улар хизмат пиллапоясидан кўрилинчи имкониятини биринчи ўринга қўйишади. Иккинчи ўринда иш вақтининг қулай бўлиш ва фақат учинчи ўринда иш ҳақи туради. Фкри сўралганларнинг атиги тўрт фовизи ўларичун асосий ишининг ўзи ёки ҳамкасблари билан ўзаро муносабатлар эканлигини таъкидлади.

● Узунлиги 24 миллиметр, баландлиги 8 миллиметр ва тана диаметри 13 миллиметр бўган моторли вертолёт 1966 йил Майнз микротсника институтида (Германияда) яратилган. Бюертолёт 130 миллиметр баландликка кўтариллади.

● Жеймс Гимзевск Швейцариянинг Црех шаҳридаги IBM лабораториясида ниҳоятд кичик микроскоп калькулятор ясаган. У 60 т углевод атомидан ташкил топган. Агар ҳарбир атомни оддий футбол тўпига тенглаштиришанда эди, унда калькулятор Эйфель минорас билан баробар бўларди.

● Дунё супермоделлари орасида энг даози австралиялик Элли Макферсон бўлиб, унинг бўйи 1,85 метр, бироқ бўй-баста ниҳоятд; таносибдир. У 1994 йили «Сирети» фильида бош ролни маҳорат билан ижро этиши блан бирга, аёллар ич қўйлаги ишлаб чиқардган кичик қорхонадан йилига 8,30 миллион доллар даромад топадиган ягона аёлдир.

● Мабодо Англияга йўлингиз тушиб қпса, ҳаргиз итдан эҳтиёт бўлишни унутман. Йўи тагин бу мамлакатда қопагон итлар кўп эканда, деган хаблга борманг. Аксинча оёғингиз теида ўралашган итни босиб кетсангиз бошингиз ақд балаго қолади. Чунки бу мамлакатда итни босиб кетиш одамни босиб кетишдан кўра сирроқ жазони келтириб чиқаради. Гап итнинг қдри ҳақида бораркан, дунёнинг бошқа мамлақлариди ҳам бундай галати тартиб жорий этпганини кўриш мумкин. Масалан, Швеция ва Юрвегияда итлар учун солиқ тўлаш жорий қилган. Ҳўш, ит солигини тўлаш қандай тартибда амалга оширилади? Масалан, бу томони яда қизиқ. Яъни, Швецияда ит эгаси итнинг ўйи паст, баландлигига қараб солиқ тўласа, Новегияда итнинг узунлигидан келиб чиқиб солиқ тўланади.



Улар орасида Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, бастакор Фарход Алимов ҳам бор. У «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» деган юксак унвонга сазовор бўлди. — Энг улуг ва энг азиз байрам— Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги шодиёналари арасидада ҳукуматимиз томонидан шундай юксак мукофотга сазовор бўлдим, — дейди Фарход Алимов. — Мен ниҳоятда бахтиёрман. Бу мукофот, мени янада ўз устимда ишлашга, изланишга, куч, гайрат сарфлашга чорламоқда. Жаннатмақон Ўзбекистондаги ҳур ўлкада яшар эканман, қалбим юрт фаҳри билан ёнаверади. Энг гўзал куйларим ватаним равнақи, халқим истиқболи, диёримнинг порлоқ келажиғи йўлида янрайверади. Истик-

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА
ДОМО БУЛАДИ...

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб

ҲИКМАТЛАР

Одамзод манфаат топадиган бўлса, эзгулик-
ка қул бўлади, бошқалар ғам-ташвишини ҳам
ўз зиммасига олади.

Хизматига қараб хазинангни оч,
Юпунлар кийинсин, тўйиб олсин оч.

Бошқалар меҳнатининг қадрига етиш инсо-
нийликнинг энг катта аломатидир.
Киши меҳнатини менсимас инсон,
Киши ҳисобланмас, аталар ҳайвон.

Санъат — хунар — кишига чирой. Турли-ту-
ман хунарларни ўрганмаслик — тубанлик бел-
гиси. Санъат-хунар оқушга ўхшайди. Хумоқуш
соясини тушган одам давлат ва саодатга эриш-
ганидай, хунар ва санъат эгалари ҳам бах-
тиёр бўлади.

Инсондан қоладиган аякю ягона нарса ном-
дир. Агар ундан эзгу ном қоладиган бўлса, бу
одам мангу тирикдир.

Эл бошлигининг кучи ҳалқ билан.

Бахиллик билан элни бошқариб бўлмайди.

Бахилдан қочади бор хунарли эр.
Доим саҳий билан бирга бўлсам дер.

Бахил ҳар ерда ўзига нафрат уйғотади.
Дунё таомлида шундай қонунят мавжуд:
бахилга ҳақорат, саҳийга олқиш тегади.

Ақл-идрокли кишиларнинг иш шароитлари
ҳам яхши бўлиши керак. Шунда уларнинг бар-
ча имкониятлари юзага чиқади.

Кимда давлат, узаар йўли,
Бутун ишлари ўнг, равондир йўли.
Олам файласуфин моли бўлмаса,
Неча чечан бўлсин, тийилар тили.

Оламнинг йўл-йўриқлари шунақа: дунё-дав-
лат ёвузга юз тутадиган бўлса, у обрў-эйтибор
топади, кичикка қўл берса, у буюклик олади.
Дунё-давлат келса, ҳамма орзулар ушала-
ди. Одам донг таратади, оти оламга ёйилади.
Аммо давлат кетса, мағрур бошлар ҳам ерга
эгилади. Худди шунинг учун ҳам мол-мулкка
кўнгил қўйиш ақлдилар иши эмас.

Зинҳор дунёни севма, балога дучор бўласан.

Эй йўлдан озган, боши айланган,
Зинҳор мол-дунёни севма, туби чуқурдир.

Адолат — сувга, зулм — ўтга ўхшайди. Зи-
лол сув ҳар доим бало-офатларни келтирувчи
оловни ўчиради.

Киши қанчалик уринмасин, ёлғиз ўзи бошқа-
ларнинг кўмагисиз ишларини авж олдиришмай-
ди. Ёлғиз киши ишнинг ичинигина кўради,
унинг ташки томони эътибордан четда қолади.

Оламда чин ва сара кишилар бўлмаганида
чин инсонийлик ҳам бўлмас эди.

Эл ишида кўмакчилар кўп бўлса, ишлар авж
олади, роҳат ортиб, машаққат камаяди.

Билимдан ёзилар бор тугун, чигал,
Билим бил, ўкув ол ўзинг ҳар маҳал.
Билимни ишга сол, ўрган ҳар кун,
Яна ўрган — этгин илминг мукамал.

Кишининг қариндош-уруғи бўлгани яхши.
Кимнинг қариндош-уруғи бўлмаса, у дўстлар-
ни кўпайтирсин.

Ҳаммадан кучлидир қардошли киши.
Қардошли кишининг шухрати банд,
Дўст-ёрли кишининг хурмати банд.

Қардошдан қардошга наф етади. Бу хил наф
кишига секин бағишлайди. Яқинлар ўзаро бир-
лашса, манфаат кўпаяди. Тасаввур қилгин: бўз
ер оқар сув билан бирлашгач, минг алвон че-
чаклар ерга тўшалади. Агар дўст-оғайнилар
бир-бирлари билан бирилашиб юрса, улар ҳар
қандай ёвга ҳам бас кела олади.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Квартирани суткалик (бир кеча-кундуз) усулда
ижарага бераман.
157-62-48, 332-64-65.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Юнусо-
бод туман 1-сонли давлат нотариал идораси собиқ хо-
димаси
Гулчехра Кучкарова АКТАЙБАЕВАНING
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари
ва қариндошларига чуқур таъзия изхор этади.


Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 806

Манзилимиз: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2049 нусхада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни тақзиб бериш масалалари буйича
турар жойлардаги почта базаларига ёки
«Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонга
муурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва сақланган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмоқонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6
Топширилган вақти: 14.00



Болалигим болдай шойин

МУТОЛАА БАЙРАМИ — 2007

КИТОБ — ИНСОН ОГОҲЛИГИНИНГ ЭНГ МУҲИМ
МАНБАИ. ҚОЛАВЕРСА, ДУНЁ ҲАР ҚАНЧА
ТАРАҚҚИЙ ЭТМАСИН ЁКИ БИР-БИРИДАН НОЁБ
ВА ОЛАМШУМУЛ КАШФИЁТЛАР ЯРАТИЛМАСИН,
БАРИБИР КИТОБНИНГ ЎРНИ МУҲИМЛИГИЧА
ҚОЛАВЕРАДИ.

Биз харид ёки мутолаа қилаётган китоб аслида но-
ширчиликнинг энг сўнгги тайёр маҳсулоти саналади. Ушбу
маҳсулот муайян китобхон учун мўлжалланади. Лекин ки-
тобни нашрдан чиқариш улкан бир тизимнинг фақат бош-
ланғич қисми бўлиб, унинг иккинчи катта қисми китобни
бевосита сотиш ва китобхонларга етказиб беришдан иборат.

Бугун марказий кўчалар бўйлаб тизилган савдо растала-
ри, бозор ҳамда китоб дўконларида турли номдаги кўплаб
китобларни учратиш мумкин. Уларнинг нархи ҳам ҳар хил.
Албатта ҳар ким кўрасига қараб оёқ узатади. Кимдир ки-
тобни сотиб олиб ўқишни ва шу билан шахсий кутубхонаси
фондини бойитишни кўзласа, кимдир китоб мутолаа қилиш

Мустиқиллик йилларида ўзбек кино санояти янги бо-
сқичга кўтарилди. Мавзуси ва жанри жиҳатидан бир-
бирини тақдорламайдиган бир неча бадиий, ҳужжатли
ва мультитипикацион фильмлар яратилдики, улар на-
фақат юртимизда, балки халқаро кинофестивалларда
ҳам шухрат қозонмоқда. Жумладан, «Робия» қисқа
метражли бадиий фильмининг Қирғизистонда ўтказил-
ган биринчи халқаро кинофестивалда «Кумуш тундуқ»
Гран-при совринига сазовор бўлганлиги фикримиз тас-
дигидир.

«РОБИЯ» «КУМУШ
ТУНДУҚ» СОВРИНДОРИ

— Йигирма дақиқали фильмда ёш ўзбек оилаларнинг
ҳаёт тарзи миллий кўринишда гавдаланади, — дейди режис-
сёр Мансур Абдуллоқов. — Тўғриси айтганда, Қирғизис-
тон фестивалда Гран-при мукофотини қўлга киритаман деб
ўйламаган эдим. Менимча фестиваль ҳайати фильмда ёш
оила ҳаётининг муаммолари ишонарли, содда ва тўлақонли
кўрсатилгани учун «Кумуш тундуқ» мукофотига лойиқ деб
топишган. Оилавий муаммолар четдан қараганда оддий му-
аммодек кўриниши мумкин, бироқ бу фильмда ўша муам-
моларнинг оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатиб бер-
дик.

Умуман кейинги йилларда ўзбек киноси жаҳон кинемато-
графчилари томонидан эътироф этилиб, халқаро фестивал-
ларга тақдиф қилинган. Бунга яраша ижодкорларимиз филь-
млари билан совринли ўринларни қўлга киритиб боришяпти.
Жорий йилнинг ўзида Австралиянинг Брисбан шаҳрида ўт-
казилган ўн олтинчи халқаро фестивалда режиссёр Қамара Ка-
малованинг «Йўл бўлсин» бадиий фильми совриндор бўлди.
Россиянинг Ставрополь шаҳрида ўтказилган халқаро «Золо-
той витязь» кинофорумида «Ватан» фильми қатнашиди ва ак-
триса Раъно Шодиева фильмдаги Гунафаша роли учун «Энг
яхши аёл роли ижросисини» номинацияси буйича голиб
деб топилди. Бундан ташқари, Хиндистоннинг Жайпур ша-
ҳрида қисқа метражли фильмлар буйича ўтказилган халқаро
кинофестивалда тажрибали режиссёр Раул Батировнинг
«Кўгирчоқ театри» деб номланган ҳужжатли фильми фахрий
диплом билан тақдирланди.

— Жорий йилнинг ўзида ўзбек фильмлари кўплаб халқаро
фестивалларда иштирок этди, — дейди «Ўзбекино» Миллий
агентлиги бош директори ўринбосари Жаҳонгир Қосимов. —
Халқаро кинофестивалларда ўзбек фильмларининг эътироф
этилиши ва мукофотга сазовор бўлаётганлиги таҳсинга сазо-
вордир. Агентлик буюртмаси билан ишланган аксар фильм-
лар фестивалларда муваффақиятли иштирок этипти. Жумла-
дан, режиссёр Собир Назармухаммедовнинг «Соғинч сохи-
ли», Бақо Содиковнинг «Муруват», Аюб Шаҳобиддиннинг
«Утов» фильмлари Россиянинг Анапа шаҳрида ўтказилаётган
«Киношок» фестивалида иштирок этипти. 23-29 сентябрь ку-
лари эса Қозғистоннинг Олмаота шаҳрида ўтказилаётган
«Евразия-IV» халқаро кинофестивалида ҳам айнан ушбу учта
фильм қатнашади.

«Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Корхона қуввати
640 kW бўлган иккита
автоном дизель электро-
станцияси сотиб олиш
учун танлов эълон қилади.
Таклифлар 2007 йилнинг
2 октябрдан қабул
қилинади.

Техник талаблар ва бошқа
маълумотлар олиш учун 138-
11-59 телефонига соат 08:00
дан 17:00 гача
муурожаат қилиш мумкин.

«01» БЕПАРВО БЎЛМАНГ

ТАБИЙ ГАЗ БИЗНИНГ ҲАЁТИМИЗДА АСОСИЙ ЎРИНДА ТУРИШИ
ҲЕЧ КИМГА СИР ЭМАС. ЛЕКИН ГАЗДАН НОТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ,
ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛМАЙ,
ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН КЎПОЛ РАВИШДА БУЗИБ ИШЛАТИШ
ҲАЁТИМИЗГА ЧЕКСИЗ ХАВФ-ХАТАР СОЛАДИ.

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги хизмати
бошқармасининг таҳлилига кўра, ёнгинларнинг аксарияти айнан табиий газ-
дан нотўғри фойдаланиш оқибатида ке-
либ чиқмоқда. Содир этилган ёнгинлар-
дан инсонлар уй-жойидан ажралиб, жид-
дий тан жароҳати олмақдалар. Газ-балон-
дан фойдаланган келаётган ҳамюртлари-
миз ҳам бундай ҳодисалардан истисно
эмас.

Бугунги кунда ёшларимиз севиб ис-
теъмом қилаётган хот-дог, гамбургер,
чизбургерлар пишириш шохобчалари
ишчилари ҳам айнан газ балонлардан
фойдаланадилар. Оддий ёнгин хавфсиз-
лиги қоидаларига рия қилмаслик нафа-
қат бино ва иншоотларга жиддий зарар
келтиради, балки инсонларнинг тан жаро-
ҳати олишларига, ҳаттоки ҳалок бўлиш-
ларига олиб келиши мумкин.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил
24 августда «Тошкент шаҳрида ёнгин хав-
фсизлигини таъминлашга қаратилган
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги
иқросини бажариш мақсадида, Тошкент

шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги хизмати
ҳодимлари «Саноатконтехназорат»,
«Ўзнефгазинспекция», «Тошшаҳаргаз» УК,
«Автогазтаъминот» билан биргаликда рейд-
лар ўтказдилар. Асосий эътибор бино-
ларда ўзбошимчалик билан табиий газ
ва газ балонларидан фойдаланиб, ён-ат-
рофга жиддий хавф-хатар солаётганлар-
ни аниқлашдан иборат эди. Тадбирлар
давомида жами 86 та нозоб ва текширув-
дан ўтказилмаган газ балонлари аниқла-
ниб, бартафат этиш чоралари қўрилди.

Учта ва Чилонзор туманларида ўтказил-
ган тадбирларда 28 та холат аниқланди.
Чилонзор-21 мавзе автоуловлар
тўхташ бекатидаги «Туроп ота» МЧЖга
қарашли гамбургер пишириш шохобча-
си, Чилонзор 5-мавзесининг Муқимий ва
Фарҳод кўчаларида жойлашган автоуло-
влар тўхташ жойларида ҳам гамбургер пи-
шириш сотиш ҳоллари аниқланиб, фуқаро-
лар томонидан Ёнгин хавфсизлиги
қоидаларига зид равишда, синовдан ўтказил-
маган газ балонларидан фойдаланиш,
уларни резина шланглари орқали улаш,

Рейдлар шахримизнинг бошқа йозор-
ларида ҳам ўтказилиб, камчиликлар юза-
сидан далолатномабар тузилди.
Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки таби-
ий газ ҳаётимизнинг бир қисмига йлан-
ган экан, ундан унумли, хавфсизликқоида-
ларига рия қилган ҳолда фойдаланиш
ўзимизга болғик эканлиги ҳамма ёди-
мизда бўлсин.

Муслима РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин
хавфсизлиги бошқармаси
муҳандиси, катта лейтенант

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!
РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВБАТДАГИ АУКЦИОНИГА МАРҲАМАТ!
Тошкент шаҳри С.Раҳимов тумани М.Уразбоев кўчаси 1-а уй манзилда, нархлари ошиб бориш тартибда
2007 йилнинг 30 октябр ва 6, 13, 20, 27 ноябрь кунлари соат 11:00да қуйдаги автотранспорт воситаларига сотилгнга
қадам мунтазам равишда ўтказилаётган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Table with 7 columns: T/P, Автотранспорт воситаси номи, Бошланғич нархи (сўм), Тавсифи, Суд ижрочеси, Ижро ҳужжати №, Сақланаётган манзили

Автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўли-
ми вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгор-
лардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул
қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин
тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич ба-
хосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини
ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжати-
да ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг
АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425,
ИНН: 200933850, 20210000700571452067 ҳисоб рақамига тўлаш-
лари шарт.

ОМАД АГАР ЮЗ КЕЛСА, ЭТАГИДАН ТУТ МАҲКАМ!
Кўчмас мулк БИРЖАСИГА ИШОНЧ ДОИМ МУСТАҲКАМ!
Кўшимча маълумотларни 228-79-52 телефони ва www.rkmb.uz

Кўчмас мулк — кетмас давлат! Биржамизга марҳамат!

ҚУТЛАЙМИЗ!
Ҳурматли Ҳикматишша Миробидов! Табаррик 50 ёшингиз
билан гин дилдан қўтлаймиз. Ҷўрнингиз узун, бағрингиз
ҳатимша бутун бўлсин! Оллоҳ ҳатимша ўз навоҳида асрасин!
Акангиз Мирнигмат, Убайдулла, опангиз Гулчехра,
синглингиз Манзура.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2049 нусхада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни тақзиб бериш масалалари буйича
турар жойлардаги почта базаларига ёки
«Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонга
муурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва сақланган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмоқонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6
Топширилган вақти: 14.00